

КАЛОМ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

бахш куч, яъни гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охирига қадар шу йўлда собит қолди.

У жоҳил кучларнинг таҳдид ва тажовузлиридан қўрқмай, ҳидоят йўлини йўқотган фиркаларга қарши кескин раддиялар битди. Ҳазрат Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантқиқ қудрати шу қадар кучли эдики, уни ҳатто алломанинг мухолифлари ҳам охир-оқибатда тан олишга мажбур бўлдилар.

Шунинг учун ҳам Мотуридий бобомиз ислом оламида «Муслмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юсак шарафга сазовор бўлди.

Мана шу маънода, бу мўътабар зот ўзининг теран илми, пок эътиқоди, сабот ва матонати билан ислом динининг софлиги учун курашар экан, келажак авлодлар манфаатини, сизу бизни ҳам ҳимоя қилган, деб ишонч билан айтишга ҳақимиз.

Буюк бобомизнинг бутун ислом олами, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги яна бир улкан хизмати шундан иборатки, улуғ ватандошимиз эътиқод илми - муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимотини янада ривожлантирди. Ислам динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий аъённалар билан уйғунлаштирди.

Ҳазрати Мотуридийнинг ўнчинчи асрдаёқ диний гоёларни гаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани биз учун айниқса муҳимдир.

Аллома бобомиз: «Дин йўлидаги барча адашуларнинг бош сабаби - рийёкор кимсаларга қўр

қўрона эргашишдадир», деган эди.

Бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканини, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини бугун дунёда рўй бераётган юзлаб воқеалар мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, жаҳоннинг турли бурчларида диний низолар асосида содир этилаётган қонли тўқнашувларнинг аксарияти ақидадарастлик, сохта гоёларга қўр-қўрона эргашиш, нодонлик ва жоҳиллик оқибати эмасми?

Мухтарам ватандошлар! Имом Абу Мансур Мотуридий қолдирган меросингиз яна бир ибратли томони шундаки, у диний эътиқод борасида ашаддийлик ва тоқатсизликни рад этади, мўътадиллик ва бағрикенгликни ёқлаб чиқиб, бу муҳим тамойилни жаҳонга ҳаётининг мезонига айлантиришга интилади.

Аллома, ҳар бир инсоннинг ҳаёти Яратган томонидан белгиланади, лекин одамзотга йўл танлаш ихтиёри ҳам берилган, бинобарин, у ўз хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари учун аввало Парвардигор олдида, халқ ва жаҳият олдида масъулдир, деган фикрни қатъий туриб ҳимоя қилади.

Имом Мотуридий таълимоти ана шу инсонпарварлик моҳиятига қўра, инсоният ҳаёти ва тараққиётини яхшилик ва поклик сари, адолат сари йўналтиришга, одамларни миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзаро аҳил, баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этади.

Бу мўътабар сиймо ўзининг «Китоб ул-таъвил» ва «Китоб ул-таъвилот» каби ўлмас асарларида халқимизга мансуб бағрикенглик, олижаноблик ва тараққиқпарварлик каби улуғ фазилатларни ёрқин намоён этгани билан ҳам бизга айниқса қадридир.

Ул зот асос солган диний таълимот - Мотуридий мактаби Шарқ мам-

лакатларида катта шўҳрат топишига бўлган сабаб шуки, унда илгари сурилган гоёлар ислом динимизнинг моҳиятини тўғрилик, эзгулик, инсонийликда деб биладиган жаҳими мўмин-муслмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

Шу боис Мотуридий мактабида таълим олган турли миллат вакиллари бўлмиш олимлар, Ҳазрат Мотуридийнинг минглаб издошлари, маънавий шоғирдлари унинг таълимоти ва меросини дунёнинг

Шу фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизни зиёрат қилмоқ ниятида ўз қимматли вақтларини аямасдан узоқ-яқин улқалардан юртимизга ташир буюрган, ушбу маросимда иштирок этаётган азиз меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан, Имом Мотуридийнинг бугунги авлодлари номидан беқийс ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этишдан бахтибарман.

Мухтарам юртдошлар! Азиз меҳмонлар!

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, кадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадимий заминимизда ўтган бу улуғ зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук макбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, миллий гуруримиз, энг муҳими, халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда.

Мухтарам дўстлар! Биродарлар!

Самарқанд аҳли ўз қадимий тарихига иҳлос қўйган, ўзидан ўлмас мерос қолдирган улуғ мутафаккирлари, аллома ва азиз-авлиёларининг муборақ номларини эъзозлаб, уларнинг хотирасини тиклаш йўлидаги саъй-усулни шайхлар билан ўрнак бўлиб келаётган саховатли халқдир.

Самарқанд тупроғини азиз билиб, уни севиб-ардоқлаб, бир умр шу ерда муқим яшаган, ўзининг мислсиз фаолияти билан шу муқаддас заминни бутун дунёга машҳур этган,

бебаҳо асарларини нафақат ўзбекистон, балки барча муслмон мамлакатларида излаш, уларни таҳлил этиш, замондошларимиз ва ёш авлодларга етказиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизни зиёрат қилмоқ ниятида ўз қимматли вақтларини аямасдан узоқ-яқин улқалардан юртимизга ташир буюрган, ушбу маросимда иштирок этаётган азиз меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан, Имом Мотуридийнинг бугунги авлодлари номидан беқийс ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этишдан бахтибарман.

Мухтарам юртдошлар! Азиз меҳмонлар!

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, кадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадимий заминимизда ўтган бу улуғ зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук макбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, миллий гуруримиз, энг муҳими, халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда.

Мухтарам дўстлар! Биродарлар!

Самарқанд аҳли ўз қадимий тарихига иҳлос қўйган, ўзидан ўлмас мерос қолдирган улуғ мутафаккирлари, аллома ва азиз-авлиёларининг муборақ номларини эъзозлаб, уларнинг хотирасини тиклаш йўлидаги саъй-усулни шайхлар билан ўрнак бўлиб келаётган саховатли халқдир.

Самарқанд тупроғини азиз билиб, уни севиб-ардоқлаб, бир умр шу ерда муқим яшаган, ўзининг мислсиз фаолияти билан шу муқаддас заминни бутун дунёга машҳур этган,

езгу дуолари бугун ҳам бизга куч-қувват бағишлаб турган Абу Мансур Мотуридий бобомизга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромимиз ана шу буюк иҳлоснинг яна бир далолатидир.

Мана шу мўътабар ёдгорлик мажмуининг гоёт қисқа фурсатда - тўрт ой давомида бунёд этилганини ҳам ул табаррук зотга бўлган халқимиз меҳр-муҳаббатининг ифодаси деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизнинг муборақ макбарасини қайтадан тиклаб, бу жойни қутлуғ зиёратгоҳга айлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилган меъмор ва муҳандисларимизга, қўли гул уста ва курувчиларимизга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз зотларнинг номларини улуғлаб, макбаралари ва қадамжоларини тиклаб, асраб-авайлаб обод этаверсак, Самарқанд нафақат сайёҳлар маконига, балки бутун дунёдан зиёратчилар интилиб келадиган қутлуғ бир масканга айланиши мўқаррар.

Ҳамиша олижаноб ишларнинг бунёдкори бўлган, ўзининг меҳнати, қалб саховати билан мана шундай саъй-усулни ишларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Самарқанд аҳли билан, сиз қадрли ҳамшаҳарларим билан ҳар қанча гуруҳларимиз арзийди.

Азиз ватандошларим! Бугунги шўхули дақиқаларда Имом Мотуридий бобомизни хотирлаб, яна бир бор фарзандлик ҳурматимизни изҳор этар эканмиз, ул зотнинг руҳи поклар шод бўлсин, юртимиз доимо тинч, халқимиз доимо омон бўлсин, дея тилак қиламиз.

Бу табаррук заминдан қут-баракат, меҳр-оқибат ариямасин!

Барчамизни Парвардигоримиз ўз паноҳида асрасин!



(Боши 1-бетда).

имзолади. Унга қўра, аэропортларда парвозларни бошқариш бўйича Италия корхоналарида тайёрланган энг янги ускуналар ўрнатилади. Жаҳон андозаларига мос мармар ишлаб чиқарувчи Италиянинг «Тули» фирмаси ҳам Ўзбекистон бозорига муваффақиятли фаолият кўрсатаётди. Хоразмда табиий чармдан пойабзал чиқарувчи қўшма корхона

ЎЗБЕКИСТОН - ИТАЛИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ташкил этилган бўлиб, унинг маҳсулотларига бозорда талаб катта. Шу йил Тошкентда ўз фойз хориж сармосия асосида ишловчи «Техноиндустрия» корхонаси барпо этилди. Италиянинг «Agind international S.A.» компанияси унинг таъғинсисчи бўлди. Мазкур корхона ўров идишларини ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик ҳамда нефт маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича иختисослашган. Яна бир қўшма корхонаси эса автоном бил ойналари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 6 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги савдо айланмасига тўхталадиган бўлсак, афсуски, у етарли даражада эмас. Жорий йил иш якунлари ху-

лосаланмаган бўлса-да, 2000 йил кўрсаткичлари ўтган йилдагидан ошмаганлигини қайд этиш мумкин. Ҳозирча, Ўзбекистоннинг экспорти импорт микдоридан 15 фойз кўплиги маълум.

— Шу йил Тошкентда иккинчи марта «Экспо Италия 2000» кўргазмаси ўтказилди. Ушбу тадбир италиялик тадбиркорларнинг ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорликдан манфатдор эканлигини яна

ЎЗБЕКИСТОН - ИТАЛИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

бир бор тасдиқлади. Шу кўргазма натижалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Натижалар тўғрисида гапиришга эрта, чунки кўргазма яқиндагина ўтказилди. Аммо, шубҳасиз, келгусида унинг натижаларини кўрамиз, деган умиддаман. Ўтган йилдан фарқи ўларок, бу йилги тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари Ўзбекистонда намойиш этиш учун 10 та лойиҳа тайёрладилар. Шулардан иккита йирик лойиҳа Европада тўқмачилик асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш билан машҳур «Тексита» компанияси томонидан тақдим этилди. Уларнинг умумий қиймати қарийб 120 миллион долларни ташкил этади. Бундан ташқари, кўргазмада жунни қайта ишлаш, шиша идишлар, бўёқлар ишлаб чиқариш, темир йўл бекатларини замонавийлаштириш би-

лан боғлиқ бошқа лойиҳалар ҳам намойиш этилди. Айтиш жоизки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг самолётларида Римга бевосита рейслар ташкил этилиши ушбу лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашган бўлур эди. Авиакомпания йўловчиларга юсак даражада хизмат кўрсатганлиги сабабли ўзим ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида учишга ҳаракат қиламан.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасида фан, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқалар тўғрисида нималар дея оласиз?

— Бу соҳаларда ҳам ўзаро алоқалар кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Тошкент театрлари саҳналарида ҳамкорликдаги спектакллар намойиш этилди. Кўпгина ўзбек мутахассислари Италияда малакаларини ошириб кайтиди. Ўз навбатида италиялик ўқитувчилар ҳам мамлакатингиз олий ўқув юртиларида фаолият кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, Европа киноси кунлари ҳамда Италия киноси фестиваллари доирасида намойиш этилган Италия киножодкорларининг фильмлари ўзбек томошабинлари олқишига сазовор бўлди.

Касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан

ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Инсон учун энг кераклиси саломатлик. Тўрт мучаси саломат бўлган кишигагина олам қувончлари татийди. «Тошкент-қурилиш» ҳиссадорлик жаҳияти ишчиси Турғунбой Исмоиловнинг ҳам орзулари қўп эди. Ўз жамоасини, ҳамкасб дўстларини дилдан севар, ишга ҳар кунни қўтаринки қайфиятда келарди.

Фалокат оёқ остида, деган гап бор. Бирок, ҳар қандай кўргиллик учун, аввало, ўзимиз айбдор бўлаемиз. Озгина масъулиятсизлик қилганимиз ёки хушёрлик йўқотилса, мураккаб ишлаб чиқариш жараёнида кўнгилсиз воқеага дуч келиш мумкин. Айнан Турғунбой ака ўз вазифасини ўтаб турган бир пайтда жароҳат олиши кўпчилик учун қутулмаган иш бўлди. У ойлар мобайнида саломатлигини тиклади. Бироқ тамоман тузалиб кетиш насиб этмади. Натижада ВТЭК хулосасига қўра унга II гуруҳ ногиронлиги белгиланиб, 60 фойз меҳнат қобилиятини йўқотганлиги қайд этилди.

Олдинги Т.Исмоилов тоvon ва нафақа пуллари олиб турди. Бироқ жорий йилнинг март ойидан бошлаб ҳиссадорлик жаҳияти раҳбарлари турли баҳоналарни рўқач қилиб, собиқ ишчига моддий мадад кўрсатмай қўйишди. Табиийки, оилада қийинчилик юзага келди. Турғунбой ака аҳволини маълум қилиб, неча бор ҳиссадорлик жаҳияти касаба уюшма қўмитасига учрашди. Бироқ меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқининг ус-тувор ҳимоясичи бўлиш касабақўм мурасосозлик йўлини тутиб, уни қўллаб-қувватламади.

Иложсиз қолган ногирон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилига мурожаат қилди. Унинг хати тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига юборилди. Шундан сўнг Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари санояти ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош техник-меҳнат назоратчиси М.Петросянц адолатли юзага чиқариш учун астойдил ҳаракат қилди. Натижада Т.Исмоиловнинг саккиз ойдан буён ололмаётган 100.000 сўм микдордаги тоvon ва нафақа пуллари ундириб берилди.

Д.АЛЛАҚУЛОВА,
«Ишонч» муҳбири.

Порлоқ келажакни ҳар томонлама баркамол авлод барпо этаяк. Ана шу эзгу мақсад йўлида вилоятларда кўплаб замонавий билим даргоҳлари қурилмоқда. Фарғона шаҳрида қад ростлаётган 600 ўринли академик лицей шундай билим масканларидан биридир. Айни кунларда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жадал давом эттирилмоқда. Вилоят 3-қурилиш трестининг 2-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бу борада ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Суратларда: 1.Тажрибали уста Одилжон Холиқов ўгли Аҳаджон ва шоғирди Ҳамиджон Алиевлар билан. 2.Бўлажак академик лицей қурилишида.


ШАҲРИСАБЗ ЗАРГАРЛАРИ

Аёлларимиз дидига мос зебу зийнатлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Шаҳрисабз «Кристалл» корхонаси заргарлари доимо изланишда. Айни пайтда бу ерда 60 хилдан ортиқ заргарлик буюмлари тайёрланапти. Тилла ва кумушдан тайёрланаётган билакузук, сирга, узук каби тақинчоқлар харидорларда, айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Юздан ортиқ ёшлар меҳнат қилаётган бу корхонада йил бошидан буён 54 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.



КУН ТАРТИБИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг пленуми бўлди. Унда тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, тегишли имтиёزلардан унумли фойдаланишларини таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 2001 йил учун обуна қандай бораётгани атрофлича таҳлил этилди. Уни кўнгилдагидек яқунлаш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Собиржон Муродов республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раисининг муовини этиб сайланди.



ЖИНОЯТГА ЯРАША АДОЛАТЛИ ЖАЗО

Ўзбекистон Республикаси Олий судида террорчилик, қотиллик, мамлакатимиз Президенти ва Конституциясига тажовуз қилиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган 12 нафар шахс устидан ўтказилган суд жараёни якунланди. 17 ноябр куни суд мажлисида раислик қилган Олий суд раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов Ўзбекистон Республикаси номидан жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳукмини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, суд ҳайъати томонидан давлат қораловчиси томонидан қўйилган айбловдан баъзи моддалар чиқариб ташланди, баъзилари эса умумлаштирилди. Ҳукмга қўра, одил суддан қочиб юрган хал-

олган Улуғбек Маҳмудов - 16 йил, Олимжон Абдувоҳидов - 14 йил, Усмон Шукуров - 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳукмга биноан, барча судланувчиларнинг мол-мулки мусодара қилинди. Шунингдек, ҳукмда давлатга ва жабрланганларга etkazилган зарар судланувчилардан мутаносиб тарзда ундирилиши белгиланди. Судда ҳозир бўлган судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан, қочувда бўлганлар эса ҳукм матбуотда эълон қилингандан бошлаб 10 кун муддатда унинг юзасидан кассацион шикоят қилишлари мумкинлиги қайд этилди. Айни пайтда олий жазога ҳукм қилинган судланувчилар авф сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга. (ЎЗА).



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлинома».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

10.20 «Саёҳатлар эртаги». Бадий фильм.
12.05 «Манавият» дастури.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

2-қисм.
Тунги хамроҳ;
22.35 «Премьера-2000».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

23.10 Кинематограф. «Хумк этилган»
Бадий фильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

16.25 «Клип-антракт».
Бадий фильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

18.15 Т. Никулина «Аёллар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
7.30 «Пойтахт».
7.55 «Экспресс» телегазетаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Туронзамин даргалари

МОТУРИДИЙ ВА ШАРҚ МАЪНАВИЙАТИ

Буюк бобомиз Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган давр ислом тарихида чуқур из қолдирган. Бу даврда Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Бухорий, Хожа Аҳмад Ясавий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий каби алломалар шарқ халқлари маънавиятига асос солишди. Шарқ фалсафаси Оллоҳ ва инсонни асло бир сафга қўймаган. Мо-

туридий фалсафаси ҳам шунга асосланади. Илоҳиётшунослиқда Мотуридийнинг хизматлари жуда катта. У ақл юритиш қобилиятини аниқлашда инсонни марказий ўринга қўяди. Инсонда эркин танлаш ҳуқуқи борлигини кўрсатиб беролди. «Худо бандаларига бир нарсада қобилият бермай туриб, уларни ўша нарсага амр қилмайди», деган фикрни жамлаб, ўртача бир қараш яратди. Ал-Мотуридий Куфа намўндаларининг улуғ мутафаккири Абу Ҳанифа илмий меросининг асли-

ни сақлаган ҳолда унинг фикрларини ривожлантирди. IX аср охири X аср бошларида ҳанафийлар таълимига ал-Мотуридий яратган мактаб кириб келди. Натижада X аср охири XI асрда ашъарийлар билан баҳсларда у Моваруннахр ҳанафийлар маъзабининг асосий маърузасига айланди. Бу ал-Мотуридийнинг нуфузини юқори кўтарди. Ислам таълимоти асрлар давомида ҳаёт фалсафаси бўлганлигини чуқур англаш керак. Бу эса Мотуридий сингари алломалар ме-



сини пухта ўрганишни тақозо этади. Зеро, унинг илмий, маънавий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти каттадир. **Х.ҚАҲҲОРОВ, СамДУ ўқитувчиси.**



Термиз шаҳри ва унинг атрофида катта ҳажмда курилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача Абу Исо ат-Термизий ёдгорлигида 30 миллион сўмдан ортиқ таъмирлаш ишлари бажарилди. **Суратда: Ат Термизий ёдгорлиги илмий ходими Ражаб Эргашев зиратчиларга табаррук инсон ҳақида сўзлаб бермоқда. Искандар ХҲҲАЕВ (ЎЗА) олган сурат.**

НОЁБ ХАЗИНА

* Имом Абу Мансур Мотуридий мўътазилия мазҳаби илгари сурган фикр-мулоҳазаларга жавоб бериш мақсадида «Баёни ваҳмил — мўътазила», «Раддил — усули ҳамса ли Абу Муҳаммад ал-Бохиллий» асарларини ёзди. * Каъбий фикрларни инкор этиш йўлида эса «Радди усулиладилла лил-Каъбий», «Радди таҳсибул жадал лил-Каъбий», «Радди байтул-фусоқ лил-Каъбий» китобларини битди.

* Рофизий ва қарматийларнинг фикр-мулоҳазаларини рад этиб, «Ар-радду ала усулил-қарамотия», «Радди китабул-Имами ли-Али баъзи рафавиз» китобларини ёзди. * Алломанинг фикҳ усули борасида битилган «Маҳоз уш-шаръиа» ва «Китобул жадал» асарлари дунё илм-фанида муҳим ўрин тутди. * Имом Мотуридий тафсир ва калом илмлари соҳасида ҳам бир қатор асарлар яратган. «Таъвилоту аҳли сунна» ёки «Ат-таъвилоту Мотуридия фи баёни усули аҳли сунна ва усул таъвҳид» деб ном берилган.

Алломанинг «Ат-таъвилот» китоби «Ат-таъвҳид» китобига қараганда яна ҳам ойдинроқ, ояту тафсилларнинг тушунарли сода ёзилганлиги билан ажралиб туради. * Шунингдек, Мотуридийнинг «Китабул-мақомат» ва «Ақоид» каби машҳур китоблари ўзбек шарқшунос ва манбашунос олимлари томонидан чуқур тадқиқ этилиб, кенг ўрганилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ САВДО МАЖМУАСИ

Асака пахта тозалаш заводи Ўқчи қишлоғи ҳудудига кўчирилиши муносабати билан унинг ўрнида янги деҳқон бозори барпо этилмоқда. Курилиш ниҳоясига етгач, Шаҳрихон ва Фарғона кўчаларида жойлашган иккита бозор бирлашади. Бу Асакада катта замонавий савдо мажмуаси юзага келади, деган гап.

Ҳозирги пайтда тўққиз гектар майдонда курилиш ишлари олиб борилмоқда. Келажакда бу ерда мевасабзавотлар, гўшт-сут маҳсулотлари, саноат товарлари, хунармандчилик буюмлари, курилиш материаллари сотиладиган павильонлар жойлаштирилади. Бозор билан ёнма-ён меҳмонхона ва автомобилларнинг тўхташ жойи барпо этилади. Бозор курилиши учун 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Ҳозирги пайтгача ушбу маблағнинг 30 миллион сўми ўзлаштирилди.

Муносабат
Яна бир неча кундан кейин, тўғрироғи, 23 ноябрда Ўзбекистон футбол федерациясида клуб мураббийлари иштирокида чиндан-да фавақуллода аҳамиятта молик қарор қабул қилиниши кутилмоқда. Муштарийларни зориктирмай максалда кўчиб қўя қоламиз — агар режа амалга ошадиган бўлса, 2001 йилдан бошлаб олий лигада фақат ўнта жамоа тўп суради.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ туб ислоҳотлар бўсағасида

Қолган командалар тақдирини нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Бу ёғи ҳам «пишитиб» қўйилган: улар биринчи, ҳатто эҳтимолки, иккинчи лигада олий лига таркибига қайтиш умидида зўр гайрат кўрсатишларига тўғри келади. Қанақасига дейсизми? Гаят шундаки, биз юқорида тилга олганмииз қарор тасдиқланса, келгуси йилнинг март ойларидан ўрталарида масала ўз ечимини топади. Яъни, олий лиганинг совриндор уч жамоаси — Улар ҳозирдан маълум: «Дўстлик», «Нефтчи» ва «Насаф»дан кейинги ўринларга жойлашган командалар, шунингдек, биринчи лиганинг қатор жамоалари (жами 25 та команда) ушбу ҳуқуқ учун беш гуруҳга бўлинган ҳолда курашга киришадилар. Кимларга омад кулиб боқади, башорат қилиш қийин. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бир жамоага кафолат йўқ. Ҳатто, «Навбахор», «Пахтакор», «Самарқанд-Д» каби клубларга ҳам олий лигадан жой топиламай қолиши мумкин. Қизиқ-а?

Бундай туб ўзгаришлардан кузатилган мақсад, албатта, аниқ: юрт футболини қисқа муддатларда оёққа тургазиб олиш! Сифат ўзгариши ясашга қаратилган яна бир қанча мулоҳазалар амалий исботини топса, ҳар қалай яқин йиллар ичида қандайдир довларни ошиб ўтиш ҳам ҳеч гап эмас. Бироқ...

Бу режани оғриқларсиз ҳам рўёбга чиқариш мумкин-ку, ахир! «Ишонч» газетасида икки йилдан бери қайд этиб келинаётган фикр-мулоҳазалар — олий лига қатнашчилари сонини кескин қисқартириш юзасидан ўртага ташланган фикрлар тўғрилиги исботини топаётти. Таклифимиз эса жуда оддий. Уни йил бошида эълон қилинган чемпионат шартларини бузмаган ҳолда ҳам амалга оширса бўлади. Қолаверса, шундай қилинса, нафақат совриндорлар, кейинги 13 та, биринчи лиганинг иккинчи жамоаси билан орани очди қилиши мўлжалланган клубни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 14 та коман-

5 ўринлар бўлар — буни си футбол федерациямиз ихтиёрига ҳавола) жамоалар 1-жамоа сифатида бевосита мамлакат чемпионлиги учун кураш олиб борсалар, кўрсатган натижасига кўра иккинчи гуруҳни ташкил этган командалар 2-жамоа сифатида «жанг»га киришадилар. Дейлик, олдинги ўринларни эгаллаган уч жамоа 2002 йилдан олий лигада, қолганлар эса биринчи лигада қатнасалар.



Ҳар ҳолда олий лига учун 10 та команда озлик қилса керак. Улар сонини 12, эҳтимолки, 15 га етказиш ҳам мумкин ва ҳам ҳозирдан ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмасди. Чунки, Ҳоқ сонга келишилган тақдирда, у ёки бу жамоа бир турда дам олар, бу имкониятдан команда тактик-ўқув машғулотлари ёхуд қисқа муддатли тижорат турнирларида қатнашишда фойдаланар эди.

Юқоридаги фикрларимизни биринчи лигага ҳам татбиқ қилиш мумкин. Мамлакатнинг техник томонлари эса яна мутахассисларнинг ўзларига ҳавола. Футбол — миллионлар ўйини. Зеро, унга муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Устунчилиқ, айнаи вақтда шошқоқликни ёқтирмайди. Шундай қилиш керакки, сиз ҳам, қабоҳ ҳам қўйма, эртага аттанг, деб қўрмайлик. Шунинг учун кўпдан буён орзиқиб кутаяётганимиз масала ечими оқилона ҳал этилади, деган умиддаимиз.

Зайниддин РИХСИЕВ.

ҲАМЮРТИМИЗ Осиё чемпиони

Гонконгда ёшлар ўртасида даудо бўйича Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев турнирнинг барча тўсиқларидан мағлубиятсиз ўтиб, 100 килограмдан ортиқ вазн тоифасида

Осиё чемпиони бўлди. Абдулла жорий йилнинг октябр ойида Тунисда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бешинчи ўринни эгаллаган эди.

(ЎЗА).


Ёқилги-энергетика, геология ва кимё сановати ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кўмитаси жамоаси бухгалтер Алла Константиновна Мунча онаси Позднякова **Нина Матвеев**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ситорайи Моҳи Хоссадаги халқ безакли-амалий санъати музейга мамлакатимизнинг турли вилоятлари, хориждан келган сайёҳлар мазкур музей мудирини, санъатшунос К.Жумаевнинг Бухоро бадий каштачилиги ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини кўп эшитган. Эндилдиқда савҳатчилар бу тиниб-тинчимас олимнинг инг-

БУХОРО БАДИЙ КАШТАЧИЛИГИ

лиз ва немис тилларида нашр этилган «ХХ-XX асрлар Бухоро каштачилиги» китобини ҳам ҳарид қилиши мумкин. Рисола истеъдодли сураткаш Ш.Болтаевнинг рангли расмлари билан безатилган. Ушбу китобда Бухоро каштачилиги тарихи, унинг бухороликлар турмушидаги ўрни ҳусусида қизиқарли материаллар асосида сўз юритилган. Гапни Бухоро бадий каштачилиги тарихидан бежиз бошламадик. Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириши давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари билан белгиланган, бошқа санъат турлари қатори Бухоро бадий каштачилиги яна ўзининг бутун жилolari билан эркин намоён бўла бошлади. Шу эътибор сабаб Зухро Облобердиева, Марҳаб Орипова, Дилбар Ҳалимова каби кўплаб моҳир чеварлар бадий каштачилик устоналари очинди. **(ЎЗА).**

БОШҚА ҚОТИРМА



ЭНИГА: 1. «Танқид»нинг акси. 3. Унинг бўсағаси. 8. Россиядаги шаҳар. 10. Юракка қон ўтказадиган томир. 11. Отни бошқарадиган тасма. 13. «Шум бола»нинг ўртоғи. 16. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида мингбоши томонидан Мирёкубга берилган лақаб. 17. Театрдаги муқаддас жой. 18. Европанинг энг қадимий шаҳарларидан бири. 19. Қуйиб қўйгандек, келишган. 20. Телевизорнинг асосий қисми. 23. Сўз туркуми. 29. Дурадгорлик асбоби. 30. Барча, бари. 31. Нозу... 34. Оддий углеводнинг фандаги номи. 35. Чоғлу асбоби. 36. Нон пишириш «мосламаси». **БҮЙИГА:** 1. 1980 йил Олимпиада ўйинлари ўтказилган шаҳар. 2. Табиат,

асар тури. 21. «Қат-қат тўнли» сабзавот. 22. Курилиш маҳсулоти. 24. Ўрта асрларда подшо авлодига берилган умумий ном. 25. Чўл оҳуси. 26. Қарияларнинг «учинчи» оёғи. 27. Юксак технологияга эга бўлган машҳур Япония фирмаси. 28. Ошхона анжومي. 32. Хўл мева. 33. Кир ювиш воситасининг номи.

Тузувчи: Рустам ЗОИРОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 164-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

БҮЙИГА: 1. Раҳимов. 3. «Дамас». 4. Вазир. 6. «Камолот». 10. Ҳошимов. 11. Андижон. 14. Бухорий. 15. Шарипов. 18. «Баҳор». 19. Ватан. **ЭНИГА:** 7. «Камалак». 8. «Жасорат». 9. Ражабий. 12. «Бозор». 13. «Инсон». 16. Рубоб. 17. «Роҳат». 21. Садоқат. 23. Шифокор. 24. Рамазон.

МУАММОНОМА «Оқич» оўзлар: 1. «Дугоҳ». 2. «Туркистон». 3. Тақвим. 4. Жануб. Ҳикматли сўзлар: Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотузда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни басмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.55